

Қорақалпоғистон тиббиёт институти  
Кузатув кенгашининг  
2022 йил “31” майдаги  
2-сон мажлис баённомасига  
2-ИЛОВА

**Қорақалпоғистон тиббиёт институти раҳбарлари ва ходимлари ҳамда  
профессор-ўқитувчилари фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш  
мезонлари (КРІ) ва тартиби**

Мазкур ҳужжат Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш коцепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ–5847-сонли фармони, 2021 йил 24 декабрдаги “Давлат олий таълим муассасаларига молиявий мустақиллик бериш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–61-сонли қарори, шунингдек Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 1 августдаги “Республика олий таълим муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида”ги 164-сонли, 2019 йил 3 декабрдаги “Олий таълим муассасаларини босқичма-босқич ўзини-ўзи молиялаштириш тизимига ўтказиш тўғрисида”ги 967-сонли ва 1999 йил 3 сентябрдаги “Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги 414-сонли қарорларига мувофиқ Қорақалпоғистон тиббиёт институтининг (кейинги ўринларда - Институт) профессор-ўқитувчилари ва бошқа тоифадаги ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тартибини белгилайди.

### **Раҳбарлар ва ходимлар ҳамда профессор-ўқитувчилари фаолияти самарадорлигининг муҳим кўрсаткичлари (СМК)**

1. Профессор-ўқитувчилар иш фаолияти самарадорлигининг муҳим кўрсаткичларини баҳолаш тизими 1-иловага мувофиқ жорий қилинади ва таълим сифатини ошириш, жаҳон талаблари ва таълим беришда янги технологиялар каби кўрсаткичлардан келиб чиқиб, Институтнинг илмий кенгаши томонидан баҳолаш тизимига ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

2. Профессор-ўқитувчилар иш фаолияти самарадорлигининг муҳим кўрсаткичларини баҳолаш учун Институт Илмий кенгаши қарори билан Комиссия таркиби аниқланади.

3. Комиссия Институт ректори буйруғи билан кўрсатилган муддатларда профессор-ўқитувчилар иш фаолияти самарадорлигининг муҳим кўрсаткичларини баҳолашни амалга оширади ва хулоса тақдим этади.

4. Комиссия тақдим этган хулоса асосида профессор-ўқитувчиларнинг базавий ойлик маошлари ошириш ёки камайтириш Институт ректори буйруғи асосида амалга оширилади.

Ошириш ёки камайтириш орқали ҳосил қилинган аниқлаштирилган базавий ойлик маош барча турдаги фоиз кўринишидаги рағбатлантиришлар учун база бўлиб хизмат қилади.

5. Комиссия таркибига баҳолашда шаффофликни, соғлом рақобатни ва адолатлиликни таъминлаш мақсадида Институт ходимларидан ташқари мутахассислар жалб қилиниши мумкин.

6. Бошқарув-маъмурий ходимлар иш фаолияти самарадорлигининг муҳим кўрсаткичлари асосида баҳолаш тизими Институт ўз олдига қўйилган мақсадлари, вазифалари, таркибий бўлим ва бўлинмаларининг фаолият доираси ва ўзига хос

хусусиятларидан келиб чиқиб, ишлаб чиқилади ва Институт Илмий кенгаши қарори билан тасдиқланади.

7. Бошқарув-маъмурий ходимлар иш фаолияти самарадорлигининг муҳим кўрсаткичлари асосида баҳолаш тизимини ишлаб чиқиб, Институт Илмий кенгашига тақдим қилиш ҳамда белгиланган муддатларда баҳолаш ишларини амалга ошириш учун Ишчи гуруҳ ректор буйруғи асосида ташкил этилади.

Шунингдек, мазкур Ишчи гуруҳ томонидан Институт фаолиятини натижадорлиги ва самарадорлигини ҳамда маҳаллий ва хорижий нуфузини ошириш мақсадида, шунингдек кафолатланган ойлик иш ҳақини таклиф қилиш мақсадида Ягона тариф сеткаси асосида ойлик иш ҳақи белгилашда **Зга** кўпайтирилган тариф коэффициенти қўлланилади ва лавозимлар белгиланади.

8. Ишчи гуруҳ тақдим этган хулоса Институт ректори буйруғи билан жорий қилинади.

9. Хўжалик ва бошқа ёрдамчи ходимлар иш фаолияти самарадорлиги баҳоланмайди.

10. Ишчи гуруҳ томонидан белгиланган лавозимлар, таркибий бўлинмалар ёки гуруҳларда фаолият юритаётган ходимлар учун меҳнатдаги иштироки коэффициенти белгиланади.

11. Ҳар бир лавозим, таркибий бўлинма ёки гуруҳлар учун Ишчи гуруҳ томонидан белгиланадиган тартиблар асосида ходим, таркибий бўлинма ёки гуруҳлар раҳбарлари томонидан ҳар бир ходими учун ойлик меҳнатдаги иштироки коэффициенти белгиланади ва ўрнатилган тартибда расмийлаштирилади.

12. Меҳнатдаги иштироки коэффициенти ходимнинг тариф ставкасига нисбатан қўлланилади **ва Одан 2,0гача** миқдорда белгиланиши мумкин.

13. Йўл қўйилган камчиликлар, авария ҳолатлари ёки бошқа бўлинмалар томонидан берилган эътирозлар ходимга ёки гуруҳга белгиланган меҳнатдаги иштироки учун коэффициентни қайта кўриб чиқилишига асос бўлади.

**Профессор-ўқитувчи ходимлар фаолияти самарадорлигининг муҳим кўрсаткичларини баҳолаш тизими**

| Т/р                                   | Йўналиш кўрсаткичлари  | Балл |
|---------------------------------------|--|------|
| <b>Ўқитувчилик фаолияти (30 балл)</b> |  |      |
| 1.                                    | Назарий билимларни, амалий кўникмаларни ва ўқитиладиган фаннинг замонавий тенденцияларини эгаллаганлик даражаси                    | 5    |
| 2.                                    | Ўқитиш сифати даражаси   | 5    |
| 3.                                    | Ўқитувчининг йўналиши (фани) бўйича талабаларни республика ва халқаро олимпиадалар, турли танловлар ва илмий грантлардаги иштироки | 10   |
| 4.                                    | Халқаро ёки маҳаллий ўқув-услубий анжуманлар ташкил этиш   | 10   |
| <b>Методик ишлар (15 балл)</b>        |  |      |
| 5.                                    | Нашр этилган дарсликлар ва ўқув қўлланмалар сони   | 8    |
| 6.                                    | Компьютер, ахборот технологиялари ва симуляцион ўқитиш воситаларидан фойдаланиш даражаси   | 4    |
| 7.                                    | Талабалар билимини баҳолаш шаффофлиги  | 3    |
| <b>Тарбиявий фаолияти (10 балл)</b>   |  |      |
| 8.                                    | Ташкил этилган илмий ёки фан тўғарақлари   | 5    |
| 9.                                    | Жамоатчилик ишлари ва олий таълимдан ташқари ишлар   | 5    |
| <b>Илмий фаолияти (35 балл)</b>       |  |      |
| 10.                                   | Илмий анжуманда маъруза билан иштироки   | 5    |
| 11.                                   | Илмий нашрларда чоп этилган мақола, тезис, монографиялар   | 3    |
| 12.                                   | Грант лойиҳаларда иштироки   | 3    |
| 13.                                   | Хорижий таълим ёки илмий муассасаларда малака ошириш   | 3    |
| 14.                                   | Патент ва ихтиролар  | 7    |
| 15.                                   | Рационализаторлик таклифлар  | 2    |

|                                     |   |            |
|-------------------------------------|---|------------|
| 16.                                 | Диссертацияларга илмий раҳбарлик қилиш                          | 7          |
| 17.                                 | Хорижий олий таълим муассасаларида маъруза ёки машғулотлар ўтиш | 5          |
| <b>Шахсий фазилатлари (10 балл)</b> |   |            |
| 18.                                 | Илмий даража ёки илмий унвон                                    | 5          |
| 19.                                 | Хорижий тилларни эгаллаш  | 5          |
|                                     | <b>ЖАМИ ЭНГ КЎП БАЛЛ</b>  | <b>100</b> |

**Профессор-ўқитувчи ходимларнинг ҳар бир лавозимлари учун  
минимал тўпланиши лозим бўлган балл  
миқдори**

| Т/Р | Лавозимлар         | Минимал балл |
|-----|--------------------|--------------|
| 1   | Ўқитувчи-ассистент | 50           |
| 2   | Катта ўқитувчи     | 60           |
| 3   | Доцент             | 70           |
| 4   | Профессор          | 75           |
| 5   | Кафедра мудири     | 75           |

Лавозими бўйича белгиланган минимал баллдан ( $B_{\text{мин}}$ ) ортиқча тўплаган ҳар бир балл учун рағбатлантириш тўлови белгиланади.

$B_{\text{факт}} > B_{\text{мин}}$  бўлган ҳолда

$B_{\text{рағбат}} = B_{\text{факт}} - B_{\text{мин}}$

Рағбатлантириш миқдори (%) =  $B_{\text{рағбат}} \times K$

$K$  (коэффициент) - бир балл учун ходимнинг ойлик маошига нисбатан бир фоиз миқдорида рағбатлантириш белгиланади.

Лавозими бўйича белгиланган минимал балл тўплай олмаган ходим ойлик маоши муносиб фоизларда камайтиради.